

Тахтақўпир
МИБ
"қовун"
туширди



Ўзбекчилик
ўлмасин

3-бет



Заррадек
зарбанинг
тоғдек таъсири

4-бет



Буни ўқима
болам

7-бет



ИНСОН ва ҚОНУН

21 январь 2020 йил / № 02 (1206)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Иқтибос:

**Убайдулла
МИНГБЎЕВ,**

Судьялар олий кенгаши раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист



Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда тўй-ҳашамларда айримларимиз ўзимизни бошқаларга кўз-кўз қилиш билан овора бўлаяемиз. Ҳаттоки, баъзиларимиз бошқаларда йўқ қимматбахо машиналарни миниб бориб, кимларнингдир эътиборини тортишга бораемиз. Айримлар тўйларга бориб спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, қониқмай, тўйдан чиқиб қайсидир ресторанларда яна ичишни давом эттириш ҳоллари, участка нозирларига бўйсунмасдан жанжал чиқаришларини қандай изоҳлаш керак? Минг афсуски, бу ҳолатлар яхшиликка олиб келмаслиги аниқ... Судья ва суд ҳодимлари шайтоний ҳою-хавасларга берилмасдан, иймон билан виждонига содиқ ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширишга тўғри йўлни танлаган бўлади.

НАФАҚА ОЛАДИГАН БЎЛДИМ

МЕНИКИ 37 ёшли нозирон фарзандим бор. Бутун умрини унга қаран билан ўтди. Шу сабабдан ҳеч қасрда ишлаб олмадим. Нафақа ёнига етди. Аммо уни етганим йўқлиги сабабдан пенсияга чиқа олмаётганим. "Инсон ва қонун" газетасида нозирон фарзандим бор ёки етарли иш етганига эна бўлмаганлар учун илтифатлар ҳақидаги ҳуқуқий маълумотларни ўқид қолдим. Ва шу масалада менга ҳам ёрдам берилганини сўраб мурожаат қилганим. Мурожаатим Самарқанд вилоят бюджетдан танқари Пенсия жамғармаси томонидан ўранилиб, менга Пенсия жамғармаси Нуробод тумани бўлими томонидан жорий йилининг 6 ноябрдан 267 650 сўм миқдорда ёнига доир нафақа ташвилиди.

Бир неча йилдан буён мен илтифатид келмаётган ундун муаммони ижобий ҳал этишида ҳозиржаводлик билан алаий ёрдам берган газетани тахририятиндан миннатдорман. Раҳмат Сизга!

Бухоро ХАМИТОВА,

Нуробод тумани, Қилинчи маҳалла фуқаролар йиғинида шавоби фуқаро

МИННАТДОРЛИК МАҚТУБИ

55 йиллик муаммо ҳал бўлди!

АССАЛОМУ алайкум, қадрли "Инсон қонуни" газетаси тахририятини! Мен ўзини ва оила аъзоларини номидан сизларга чексиз миннатдорлик билдираман. Қубондан кўз ёшларини тийлашман. Ахир оз эмас кўн эмас 55 йилдан бери бизни қинаб келмаётган уй-той билан доғлик муаммо сизнинг ёрдамингиз билан ижобий ҳал бўлди. Бунини учун "Инсон ва қонун" газетасининг муҳбири Фарид Қорақуловга эса алоҳида ташаккур билдираман. 2019 йил 9 апрель кунини "Инсон ва қонун" газетасининг 14 сонинида "55 йиллик муаммо. Уни етганим

найи келмадими?" сарлавҳали мақола чоп этилди. Мазкур мақола юзасидан Тошкент вилояти адлия бошқармаси, вилоят ва Бекобод тумани ҳокимлиги томонидан қайта текширув олиб берилди.

Найижада Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари С.Нусротов илҳоси билан "Инсон ва қонун" газетасига қилган мурожаатингиз асосида чоп этилган "55 йиллик муаммо. Уни етганим найи келмадими?" номли мақола ўраниб чиқди. Хусусидан Файдуллаева Терақзор маҳалласи, Терақзор кўчасида жойлашган уй-жайида ту-

ман ҳокимининг 2019 йил 22 июндан 3839-сонли қарорини асосан эллик ҳуқуқни берилди, деган хабарни олди. Ота-онадан мерос қилган ўз уйидаги эллик ҳуқуқни тикланди. Бунини тўғри ўртамни ва болаларни кўзларидан ҳам ўзига бир дахт, ишонг ва қатъийлини кўрашман. Сизларга ва муҳбирингизга эна бир дор тазғин қилман!

Қурмет билан Хусниддин ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят, Бекобод тумани,
Терақзор маҳалласи

МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМИЗ!

Газетамиз билан фаол ҳамкорлигингиз, 2020 йилда ҳам газетамизни ўқувчиларга кўп нусхада етиб боришида қўшган ҳиссангиз учун Сиздан миннатдоримиз.



Насиба ҚУТЛИМУРАТОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси адлия
вазирлиги масъул ходими



Шахноза МАВЛОНОВА,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси масъул
ходими



Шербек ЗАЙНИЕВ,
Навоий вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими



Насиба ЖУРАЕВА,
Бухоро вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими

ТАНИШУВ

Қайиқ дарёга бормаса... дарё қайиққа келади

Ассалому алайкум, азиз ўқувчим!
АВВАЛО, сизга ўзини таништирсам. Мен аслида салкам чорак асрдан буён дунё юзини қуриб келмаётган "Инсон ва қонун" газетасиман. Билмадим, вақт сари эътибордан четда қолаётганим ёки ёшинг улғайгач кўнгил курғур нозиклашиб қоладими? Ҳар ҳолда сўнги вақтларда ўзимни ёлғиз қолгандек ҳис қиладиган бўлиб қолдим. Шу сабаб бугун ўзимнинг ёш, шамолдан-да тез, кўпчилик ихлос қўяётган қиёфадошимни ҳозирги замон тили билан айтганда, электрон вариантими яратдим.

Эҳ, ўқувчим! "Қайиқ дарёга бормаса... дарё қайиққа келади", дегани шу эканда. Мана, Сиз менга боришни хохламадингиз. Ўзим Сизни йўқлаб келиб турибман. Энди Сиздан бир ўтинчи! Менинг мана шу қиёфадошимни ҳам кузатиб борсангиз. Агар Сиз хохласангиз мен мана шу орқали сизни дунё талотўпларидан тортиб маҳаллангизда бўлаётган икки-чирларгача хабардор қилиб тураман...

7-бет

hudud24

БИЗ СИЗГА
ТЕЗКОР ВА ИШОНЧЛИ
АХБОРОТ ЕТКАЗИШДАН
МАМНУНМИЗ!

Сайтга ўтиш

www.hudud24.uz

Тахтакўпир МИБ “қовун” туширди

ТАХТАКЎПИР туман адлия бўлимига фуқаро Р.Н. ариза билан мурожаат қилди. У ўз мурожаатида бошқарувидаги давлат рақами 70 J 535 NA COBALT русумли автотранспортда 2018 йил 28 сентябрь кунини Бухоро шаҳрида, эртаси кунини эса Самарқанд шаҳрида белгиланган тезликни оширганлиги учун иккала ҳолатда ҳам 921.500 сўмдан жарима солинганлигини, аммо ушбу жарималардан у мутлақо хабари бўлмаганлигини баён қилди.



Шунингдек, У Тахтакўпир туман Мажбурий ижро бюроси ходимлари Р.Н. яшаш манзилида йўқ вақтида келиб, унинг оила аъзоларига жаримани тўлашлари лозимлигини, шу сабабли уйда мавжуд ускуналарни мусодара қилишларини айтиб, хонадонидан кредит ҳисобига олинган янги “Газ плитаси” ва “Хаво сўргич” ускуналарини ҳеч бир далолатнома тузмасдан куч билан олиб кетганлигини ёзди.

Ўрганиш жараёнида фоторадар орқали қайд этилган маъмурий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жарима солиш тўғрисидаги суд қарорлари аслида автомобилнинг ҳақиқий эгаси Қ.Ш.га нисбатан тайинланганлиги аниқланди.

Яъни, Қ.Ш. томонидан Р.Н. номига 2018 йил 20 сентябрда АЖ

379943 QS рақамли ишончнома (автомашинани бошқариш ва солиш ҳуқуқи билан) берилган бўлиб, ушбу ишончнома асосида автомашинани фуқаро Р.Н. бошқарувида бўлган.

Эътибор қилинг-а! Қонунбузилиш ҳолати юзасидан Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ ва Самарқанд вилояти ИИБ ЙХХБ томонидан ўтган йил, яъни 11 февраль кунига келиб жарима солиш тўғрисидаги қарорлар Мажбурий ижро бюросининг Қарши туман бўлимига юборилган.

Аслида қонунчилигимизга кўра йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан уни олтиш кундан кечиктирмай тўлаши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, Адлия вазирлигидан 2011 йилда рўйхатдан ўтган Ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғида “агар маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой мобайнида ижрога қаратилмаган бўлса (қарор нусхаси ҳуқуқбузарга топширилмаган, ҳуқуқбузарнинг ишлаш, яшаш жойига ёки давлат ижрочисига юборилмаган бўлса ва ҳ.к.), у ҳолда бундай қарор ижрога этилмайди. Ушбу ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилади ва айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли интизомий чора кўрилиб, у ҳақидаги маълумот маъмурий

иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади” деб белгиланган.

Ваҳолаки, Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ ва Самарқанд вилояти ИИБ ЙХХБ томонидан тайинланган жарима солиш тўғрисидаги қарорлари 60 кун ичида эмас, балки 135 кун ўтибгина, яъни 2019 йил 11 февралда Қарши туман мажбурий ижро бюросига юборилиб, ижрога қаратилган.

Юқорида таъкидлангани каби Р.Н.нинг уйдан мол-мулки мусодара қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига кўра давлат ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш мuddати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юриштириш қўзғатиши шарт. Мазкур Қонуннинг 24-моддасида агар ижро ҳужжати ижрога топшириш мuddати ўтиб кетганидан кейин юборилган бўлса ёки ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса ёхуд зарур ҳужжатларни уларга қўйилмаган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириб ижро ҳужжати илова қилиш тўғрисидаги талабига риоя қилинмаган бўлса, давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик мuddат ичида қайтариб юбориш кераклиги белгиланган.

Аммо Мажбурий ижро бюроси Тахтакўпир туман бўлими томонидан Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ

ва Самарқанд вилояти ИИБ ЙХХБ томонидан тайинланган жарима солиш тўғрисидаги қарорлар ижро мuddати ўтгандан сўнг келган бўлса ҳам юқоридagi қонуннинг 24-моддаси талаблари бузилган.

Бундан ташқари, Мажбурий ижро бюроси Тахтакўпир туман бўлими давлат ижрочиси томонидан 2019 йил 2 июль кунини Ижро иши юриштириш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса-да, фуқаро Р.Н.га ижро кунига қадар берилмаган.

Ваҳолаки, ижро иши юриштириш қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган кунининг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилиши керак эди.

Ёки давлат ижрочиси томонидан фуқаро Р.Н.га ижро ҳужжатининг иштиёрий ижро этилиши учун тегишли тартибда мuddат берилмаган.

Юқорида қайд этилганларга кўра, Тахтакўпир туман маъмурий судига шикоят аризаси киритилиб, суднинг 2019 йил 29 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан туман адлия бўлимининг фуқаро Р.Н.нинг шикоятни қаноатлантирилди. Тахтакўпир туман Мажбурий ижро бюросининг 2019 йил 2 июлдаги ижро ишини юриштириш қўзғаш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.



Несеб КАЛИМБЕТОВ,
Тахтакўпир туман адлия бўлими бошлиғи

КАРМАНА туман адлия бўлимига Навоий шаҳридаги “Ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи болаликдан ногирон бўлган фуқаро А.Сатторов иш топишда қийналаётганлиги, унга бу борада амалий ёрдам беришни сўраб ўтган йилнинг 10 октябрда мурожаат қилган эди.



Адлия бир кунда ишга жойлаштирди

Мурожаат ҳозиржавоблик билан ўрганилди. Натижада туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 30-умумий ўрта таълим мактабига бўш иш ўрни мавжудлиги аниқланиб, белгиланган тартибда А.Сатторовга ишга жойлашиш учун йўланма берилиши таъминланди. Ариза муаллифи адлия бўлимига мурожаат қилган куннинг ўзида ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, тadbиркор “Сетманіка” маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Н.Боймуродов ҳам адлия бўлимига мурожаат қилиб, туман ҳудудидаги шағал-тош қонидан фойдаланиш учун ҳоқимликдан қафолат хатини олишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Аниқланишича, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасидан мазкур йўналишда фаолият олиб бориш учун лицензия олишда тadbиркорга туман ҳоқимлигининг қафолат хати тақдим қилиниши лозим бўлса-да, тadbиркорнинг қафолат хатини олиш юзасидан 2019 йилнинг 20 августда туман ҳоқимлигига қилган мурожаати туман Ер ресурслари ва давлат кадастри томонидан асосиз кечиктирилиб, мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаган.

Мурожаат адлия бўлими томонидан назоратга олинган, ўтган йилнинг 16 октябрдаёқ тadbиркорлик субъектига туман ҳоқимлигининг қафолат хати берилиши таъминланди ҳамда ҳуқуқбузарликларга келгусида йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш юзасидан туман ҳоқимлигига тақдимнома киритилди.



Пўлатжон ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Кармана туман адлия бўлими бошлиғи

ГРАНТГА КИРГАН ТАЛАБА кимнингдир хатоси билан контрактга тушиб қолганди...


Иннан кейинчи?.. Иннан кейин...

БУХОРО шаҳар адлия бўлими томонидан 2019 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 509 та ариза ва шикоятлар ўрганилди. Такрорий мурожаатларнинг олдини олиш мақсадида мурожаатларни муаллиф иштирокида ўз жойида кўриб чиқиш юзасидан амалий чора-тadbирлар кўрилди.

Жумладан, Ромитан туман Шўрча маҳалла фуқаролар йиғини Работисулаймон қишлоғида яшовчи фуқаро Шаҳзод Бахшилловнинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Ш.Бахшиллов 2018 йилда Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти қабул комиссиясига абитуриент сифатида ҳужжат топширди. Давлат тест маркази томонидан имтиҳонга кириш учун 2018 йил 31 июль кунинда рухсатнома берилди. Жавоблар варағининг рақами 8009070 қилиб кўрсатилди. Дарвоқе, у 5510103-Даволаш иши (Бухоро) таълим йўналишини танлади. Аммо “Абитури” базасига эса абитуриентнинг таълим йўналиши қабул комиссияси маъсул оператори, институт ходими М.Э. томонидан 5510100-Даволаш иши

(Бухоро) таълим йўналиши деб хато киритилди. Тест синовлари натижасида Ш.Бахшиллов 231,7 балл тўплайди. 5510103-Даволаш иши таълим йўналишининг давлат грантлари асосида қабул чегараси эса 173,6 баллни ташкил этган. Қабул комиссияси маъсул операторининг хатоси тўғрисида Ш.Бахшиллов контрактга тушиб қолади. Қизиг-а? Биргина хато бир инсоннинг тақдирига таъсир қилди.

Адлия бўлими томонидан фуқаро Шаҳзод Бахшиллов манфаатини кўзлаб, Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтига нисбатан контракт тўлови учун тўлаб берган 10.136.500 сўм моддий зарарни ва 2.000.000 сўмлик маънавий зарарни жами бўлиб 12.136.500 сўмни ундириб бериш



ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Бу иш суд томонидан 2019 йил 14 августда рад қилинди. Бироқ адлия бўлими томонидан киритилган апелляция шикоятига асосан, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг апелляция инстанциясининг 2019 йил 8 октябрдаги ажрими билан даъво қисман қаноатлантирилди. Фуқаро Шаҳзод Бахшиллов фойдасига контракт тўлови ҳамда 500.000 сўм маънавий зарар ундирилди.



Абдурахимхжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ЎЗБЕКЧИЛИК ЎЛМАСИН

ХУРСАНД БЎЛДИМ.

Ахир, шу танти йигитлар менинг халқим вакили



ЎТГАН ҳафта рўзгорбоп маҳсулотлар харид қилиш учун Қўйлик бозорига бордим. Азим Тошкентнинг Қўйлик бозори қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзонлиги ва ўзининг гавжумлиги билан бошқа бозорлардан ажралиб туришини пойтахтликлар яхши билади. Айниқса, бир парча томорқасида етиштирган мева-чева ва сабзавотларни бола-чақасидан ортириб, “ҳарна...”, дея сотишга олиб келган яқин атрофдаги қишлоқ одамлари бозор йўлақларида, ерда ўтириб маҳсулотларини арзон-гаровга сотишади. Уларнинг “деҳқончилик”, дея кўрсатадиган ўзбекона тантлиқ, самимий сийлиқлари ҳар қандай кўнгилни бир тўлқинлантирмай қўймайди.

Бозорнинг бир томони Водий ва Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен йўналишлари бўйича қатновчи таксилар тураргоҳи, бошқа бир томони эса ёлланма ишчилар, яъни мардикор ва аравақашлар қароргоҳи, олувчилару сотувчилар, хуллас, ҳаёт қайнайди.

Қиш чилласи эмасми, расталарни бир-бир айлангунча, керакли маҳсулотларни харид қилиб, аравага жойлагунча совуқ жон-жонимдан ўтиб кетди. Қалинроқ кийинмаганим учун ич-ичимдан ўзимни койиган бўлдим. Араванинг темир тутқичини тутган аравақашнинг совуқдан қизариб кетган қадоқ қўлларига кўзим тушгач аёз забти янада ошгандек туюлди.

— Қўлингизга қўлқоп кийсангиз бўлмайди, — дедим кўринишидан 20-22 ёшлардаги аравақаш йигитга — ахир, қўлқоп жуда арзон туради. Бунинг устига топилмас матоҳ ҳам эмас, ана қаранг атрофда тўлиб ётибди.

— Э, ўрганиб кетганмиз, — қўл силтади йигитча ва озгингина жусасини сиқиб турган эски костюмининг у ёқ, бу ёғини тўғрилаган бўлди, — арава тортганда қизийман. Сизнинг юқларингиз энгил-да, баъзида оғир юқларни ташиймиз, шунда ҳатто терлаб ҳам кетаман.

Унинг болаларча бегуборлиги ва содда, самимий сўзлари юрагимга етиб борди. Негадир кўнглим бўшашди, йиғлагим келди. Шундай бўлса-да, йигитчани ўзимча насиҳатомуз койиган бўлдим. Шу пайт беш-олти қадам наридан “иссиқ чой, нон”, деган баланд овоз эшитилди. Иккаламиз ҳам беихтиёр ўша томонга қарадик. Уст-бошидан ўзига тўқ, зиёлинома икки нафар ўрта ёшлардаги йигитларга кўзим тушди. Бирининг қўлида оғиргина сават, иккинчисининг қўлида каттагина темир чойнак. Атрофдаги одамларнинг баъзилари улардан стаканда иссиқ чой ва нон олишмоқда эди.

“Марҳамат, марҳамат! Ош бўлсин. Кимга иссиқ чой, нон... Келинлар, марҳамат олинглар!”

Қўли-қўлига тегмаётган йигитлар одамларни чорлар, гоҳида чексиз илтифот билан қўлларини


кўксига қўйганча раҳмат ҳам айтишарди. “Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар ўзларига ярашган ишни қилишса-да, уларга пул топиш учун нон, чой сотишдан бошқа иш йўқми?”. Хаёлимга келган илк фикр тилимга кўчди. Ёнимдаги аравақаш йигит ҳолатимни сезиб, шоша-пиша изоҳ берди:

— Йўқ, сиз нотўғри ўйлаяпсиз. Бу йигитлар нон, чой сотишмаяпти. Аксинча, текинга тарқатишмаяпти. Бир ҳафтадан бери ҳар куни бозор атрофида юриб, текинга иссиқ чой, нон тарқатишади. Ким хоҳласа, олаяпти. Кеча сизга ўхшаб тушунмаган бир амаки улардан “Нега бу ишни қиляпсизлар? Кимдир сизларга шундай топшириқ берганми”, деб сўради. Шунда улар “Савоб ишни қилиш учун кимдандир топшириқ олиш шартмас. Қўриб турибсиз, ҳаво совуқ...”, деб жавоб беришди. Ёнимиздан ўтиб кетаётган кекса ёшдаги аёл гапимизга қўшилди: — Барака топишсин! Хайр-эҳсоннинг катта-кичиги бўлмайди. Асосийси, одамларимиз қалбида яхшилик, эзгуликка чанқоқлик бор.

Бу гапларни эшитгач, ҳозиргина хаёлимдан ўтган ўйларимдан ўзим уялиб кетдим. Шу онда яқиндагина диллимни хира қилган бир воқеа ёдимга тушди ва беихтиёр момонинг охириги сўзларини такрорладим “Одамийлик ўлмасин”.

ХАФА БЎЛДИМ.

Ахир, шу ҳам халқим вакили



Мўъжазгина гўшт дўкони... Олтмиш ёшлардаги қассоб жуда сертакаллуф. Айниқса, дўкон ёнидан маҳалла оқсоқоли, ИИБ ходими каби казолар ўтиб қолгудек бўлса, қип-қизил баркашдек юзи ёришиб, молини мақтай кетади: “Сизга яхши жойидан, чиройли қилиб бераман”. Уни доимо харидор камлигидан пашша кўриб ўтирган ҳолда кўраман. Маҳалла-қўйда қассобнинг қўли қинғирлиги, тарозидан ҳам уриб қолиши ҳақида турли гап-сўзлар юради. Бир куни кутилмаганда опажоним уйга меҳмон бўлиб келди-ю, шу дўкондан гўшт харид қилишга мажбур бўлдим. “Ошгами ёки шўрвагами? Рўзгорбоп бўлсинми? Ана сизга ортиги билан... Майли мендан кетса кетсин. Менга савоби ҳам етади”. Дўкончи бир кило гўштни кесиб, тарозида ўлчаб бергунча оғзи тинмади. Қўлимга тутқазган бир сиқимгина гўшт билан борар эканман, қўни-қўшнларнинг гап-сўзларини эсладим. Йўлим устидаги озиқ-овқат дўконига кириб, қўлимдаги тугунни назорат тарозисига қўйдим. Электрон та-

рози роппа-роса 700 граммни кўрсатди. Кўзларимга ишонмай, бошқа дўконга кириб, сотувчисидан гўштни ўлчаб беришни илтимос қилдим. Эндиги тарози кўрсаткичи 703 грамм.

“Ҳа, энди тарозилар адашар эканда”, дея ўзимга тасалли берган бўлиб уйга кирдим. Бир килограмм ҳам чиқмайдиган гўштининг ярмидан кўпи чарви, ярми куруқ суюждан иборатлигини кўриб хунобим баттар ошди. Орадан икки-уч кун ўтгач, қўшним ҳовлиқиб кириб келди: — Эрталабки воқеани эшитдингизми? Қассоб нариги “Дом”га яқинда кўчиб келган бир кишига бир ярим кило гўштни икки кило, деб алдаб сотган экан. Билиб қолиб, гўшт билан бошига солибди. Гўшт ҳам суюкми, дейман бечора қассобнинг боши ёрилиб, касалхонада эмиш.

Рости, хафа бўлдим. Боши ёрилганига эмас, баднафслиги ва виждонсизлиги учун... унинг ҳам тоза ва бегубор халқим вакили эканига хафа бўлдим.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



УСТОЗ ҚАДРИ

МАВЛОНО Жалолиддин Румий Шамс Табризийни ўзига пир ва устоз деб билиб, у зотга ҳурмати баланд эди. Шамс Табризий маълум бир муддат Румийга илму маърифат ўргатгандан кейин, гоийб бўлади. Ҳазрати Румий устозини кўп жойлардан дараклайди, лекин бирор бир хабар тополмай, жуда маҳзун бўлади. У кишининг Шамс Табризийга бўлган соғинч ва муштоқлиги яқин-йироққа аён бўлади. Бир киши устоз фироқида куйиб юрган Жалолиддин Румийдан бир нарса ундириш мақсадида унинг олдига келиб ёлғондан “мен устозингиз Шамс Табризийни фалон шаҳарда кўрдим”, дейди. Ҳазрати Румий бу хабардан жуда суюниб кетади ва дарров эғнидаги тўнини ечиб, хушхабар келтирган кишининг елкасига ташлайди. Буни кўрган одамлар хабарчининг ёлғончи эканлигини айтиб, шаҳодат берадилар. Шунда Мавлоно Жалолиддин Румий уларга қарата шундай дейди: “Мен тўнини унинг ёлғонига бердим. Агар хабари чин бўлганда эди, жонимни берар эдим”.

Ривоятдан

ТАНЛОВ ПУЛЬТУ ЎЗИНГУЗДА!

ЎҚИТУВЧИ савол берди:

— Ким ижтимоий тармоқлардан нима мақсадда фойдаланади?

Алишер:

— Мен ижтимоий тармоқларга дўстларим билан суҳбатлашиш, хорижда юрган яқинларим билан осон боғлиқни мақсадда қираман.

Сарвар:

— Устоз, мен эса ижтимоий тармоқларда ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Ҳозирча бу борадаги билимларимни ошириб, тажриба тўплайман.

Комил:

— Мен унда тил курслари бўйича бир нечта онлайн дарс курсларига ёзилдим. Ҳозирда бу борадаги тилини ўрганаёман.

Бегзод:

— Устоз, биз акам билан ижтимоий тармоқларда ёрдамга муҳтож одамлар учун акциялар уюштириб, озми-кўпми уларга ёрдам бераёпмиз.

Салима:

— Мен эса ахборот олиш учунгина фойдаланаман.

Бахтиёр:

Устоз мен эса чизган расмларни ижтимоий тармоқларга жойлаб бораман. Яқинда Ижод намуналаримни тармоқларда кўрган хорижлик бир расмом мени Францияга таклиф қилди.

Охириги партада ўтирган Камрон эса ҳеч нарса айта олмади. Чунки, у ижтимоий тармоқларда фақатгина вақтини ўтказишдан бошқани билмасди. Унга кулгили видеолар ва суратлар кўрса бас. Вақт эса шафқатсиз.

Сиз-чи? Сиз ижтимоий тармоқлардан нима мақсадда фойдаланаяпсиз, азиз тенгдошим!

Жонибек АЛИЖОНОВ,
талаба

ЗАРРАДЕК ЗАРБАНИНГ ТОҒДЕК ТАЪСИРИ

ОИЛА-ҚАЙНОНА-КЕЛИН-НАБИРАЛАР ФОРМУЛАСИ БУЗИЛМАСИН



ДЕЙДИЛАРКИ, жаннатда бир супа бўш турармиш. Бу супа энг аҳил-иноқ ҳаёт кечирган қайнона ва келинга насиб қиларкан. Ҳа ш супа эса ҳамон бўш эмиш... Кейинги йилларда оила ва никоҳ институтини мустаҳкамлаш учун барча қонуний асослар яратилди. Бош Қомусимизнинг алоҳида боби оилага бағишланган ва бу ҳеч қайси бир давлатда йўқ.



Оила бузилгач, аксарият ҳолларда болалар онаси билан қолишини ҳам яхши биламиз. Аммо улар қаерда, ким билан, қандай шароитда яшайпти, бошпанаси борми, қорни тўқми, усти бутми, бу ҳақида кўпчилик ҳатто мутасадди идоралар ҳам билмаслиги аниқ. Оталар берадиган алимент эса ҳанмиқадар эканлигини изоҳлашга ҳоҷат йўқ.

— Бизга қилинаётган муурожаатларнинг аксарияти, аниқроғи, 70 фоизи оилавий можаролардан иборат, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро суди судья катта ёрдамчиси Хулқар Норова. — 2019 йилнинг 9 оии мобайнида мазкур суд томонидан оилавий масалалар бўйича 571 та ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 452 таси қаноатлантирилган, яъни 452 та никоҳ бекор қилинган. Қолгани асосли сабаб йўқлиги боис рад этилган. Аслида бирорта ажримда ҳам оилани бузишга, болаларни етим қолдиришга асос бўладиган айтирлик сабаб йўқ. Оиланинг бузилишига аксарият ҳолларда қайноналар айбдор.

Кошқийди, оилани бузиб, гулдек болаларни сарсон-саргардон қилиб, кўчада қолдиришга арзийдиган бирор жўяли сабаб бўлса... "Характеримиз тўғри келмайди" — энг катта баҳона шу. "Қайнона яшашга қўймайди, ўғлини мендан қизгани", деган сабабни эшитиб, ўғлини келиндан қизганидан оналарга нима деб гапиришга ҳам уялади одам...

Келини хўрлаб, уриб ҳузур қиладиган қайноналар кўпаяётганлиги бундан ҳам аянчли. Тақдир синовларидан ҳамма ҳам бирдек ўта олмаслиги аён. Жамият эса бундай ҳолатда йиқилганга қўл чўзиб, унга тиргак бўла олаётти, деб айта оламизми? Жамиятимиздаги ўзгаришларга, мамлакатимизнинг ривожланишига тўқсинлик қиладиган иллатлар қаторига коррупция, одам савдоси, фибригарлик, ишсизлик, турли жиноятлар ва болаларни етим қолдирадиган оилавий ажримларни ҳам қўшишга тўғри келади. Яна бир жиҳати, бу оила бузилишларига қайноналарнинг ўйламай чиқарган қарорлари сабаб бўлаётганлиги алоҳида ургу беришни истардик. Кўпчилик бу фикримиздан таажубланиб, қайноналарнинг жамият тараққиётига нима дахли бор, деган саволни бериши аниқ. Тўғри, қайнона муаммоси маиший муаммо, деб ўйлашмиш.

Аммо... Яхши ниятлар билан қурилган бахт қасри қайнонанинг айби ва касри билан бузилиши. Вайрон бўлган оиланинг бахтсиз бекаси, уяси бузилган полапон-

ларнинг изтироблари, оғир ҳаёти, кўнгли кемтиклиги, ота меҳридан айро яшаш... боғчада, мактабда, маҳаллада, хуллас, ҳамма жойда бутун умр томоғига тикилган аламли кўз ёшларни ютиб яшашига сабабчи бўлган, бегуноҳ набираларнинг кўз ёшларининг уволидан кўрмайдиган кимса жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши маиший муаммо эмас, энг долзарб муаммо, деб иккиланмай айтиш мумкин эмасми?

Бир қарашда барчаси гўёки оддий ҳолдек туюлиши мумкин. Аммо инсоннинг бахтсиз бўлиши учун заррадек зарбанинг тоғдек таъсирини инобатга оладиган бўлсак, оила-қайнона-келин-набиралар формуласи занжирининг узилишига сабаб бўлаётган қайноналарнинг феъли торлиги, дилзорлиги, манманлиги, кеचиримли эмаслиги, бойликка ўчлиги оқибатидаги кўнглисизликлар, фожиаларнинг адоғи кўринмайди.

Қилдан қийқ ахтарадиган қайнонанинг руҳий босимлари ортидан ортирилган хасталиклар, оилавий можароларнинг салбий асоратлари, қайнонанинг ёнида эркин нафас олишга ҳам қўрқадиган келинларнинг ўз жонига қасб қилишга уринишлари каби кўплаб салбий ноталарни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бу ҳолат оддий муаммо эмаслигига амин бўламиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев учрашувларда қайнона ва келин муносабатларига ҳар гал алоҳида ургу бериб, бу масалалар юмшоқроқ бўлинглар, келини ҳам ўз қизингиздек кўришни ўрганинглар, деб таъкидлашлари шунчаки гап эмас, унинг замирида ана шу муносабат келтириб чиқараётган муаммоларга эътибор бериш зарурлигига даъват бор. Юртбошимиз Навоий вилоятга қилган сафарлари чоғида ҳам қизилтепалик бир гуруҳ кўпни кўрган ёши улуг онахонлар билан учрашиб, оилаларнинг бузилиши бизнинг миллатимиз учун азалдан уят саналганлиги, оилаларни мустаҳкамлашга асосан қайноналар масъуллиги ҳақида алоҳида уқтиргани бежиз эмас.

ТАҚДИРИНГИЗ "БЕГОНА БАҲОР"ГА АЙЛАНМАСИН

Шу ўринда телеэкранларимизда бир неча бор намойиш этилган режиссёр Иброҳим Расуловнинг "Бегона баҳор" фильмининг ёдингизга солмоқчимиз. Бир-бирига чексиз меҳр ва муҳаббатли ёш оила. Ҳам ўқишга, ҳам уй юмушларига, ҳамма нарсасга улуғраётган тарбияли, оқила келинчак. Онасига қулоқ солиб, хотинидан асл ҳолат қандайлигини билишни, сўрашни ҳам истамайдиган даражадаги асабий ўғилнинг зардалари, зарбалари кун сайин ҳаддидан ошди.

Ана шу бахтиёр оиланинг бузилишига,

ўз ўғлининг бутун умр бахтсиз бўлишига, оиладаги ноҳақликларга чидай олмай оила бошлиғининг юрак хуружидан бевақф вафот этишига, бегуноҳ норасида гўдакнинг эрта оламдан ўтишига, бировнинг гулдек қизини хор қилиб, оstonадан ҳайдалишига сабабчи бўлиб, охир-оқибатда эсдан оғиб қолган битта қайнона жамиятга шунча зарар этказдики, қанча кўнглиларга жабр қилдики, демак қайнона муаммоси оддий муаммо эмас! Биргина аёлнинг "орзу-ҳаваслари" учун шунча қурбонлик жамиятга камми?

ҲАММАСИ ХУФИЁНА: АЖРАЛИШ ҲАМ, ИККИНЧИ ҚОНУНИЙ НИКОҲ ҲАМ...

Сарлавларни ўқиб, шунақаси ҳам бўлармикан, деб ўйлаясиз. Тўғри, қонуний никоҳ бўлса, унинг нимаси хуфиёна дейишингиз аниқ.

Яқинда Республика инсон ҳуқуқи маданияти марказининг телеграм каналда худди шундай воқеа тафсилоти ёзилган мақола эълон қилинди. Марказ директори Ихтиёр Умаровнинг таъкидлашича, марказга онахон муурожаат қилиб, унинг қизи кўёби билан бирга ўқиб, севишиб, турмуш қурганини, 6 йил бирга яшаб ўрталарида 2 фарзанди борлигини, қайнонасининг доимий аралашуви натижасида оиласида баъзида келишмовчиликлар бўлган бўлса-да, шунга қарамаддан улар ўзаро ишонч ва хурмат асосида бир-бирига меҳрли муносабатда бўлганликларини билдирган.

Воқеаларнинг ривожини жуда ачинарли. Қулларнинг бирида куёвга онасининг қатъий талаби ва қистови билан судга бориб, хотини билан ажрашиш ҳақида ариза топшириб, аммо буни нафақат келин томонга, балки келиннинг ўзига ҳам билдирмай ҳеч нарса кўрмагандек яшашда давом этади.

Судга "аёлим мен билан яшашни хоҳламайди, анчадан буён эр-хотин бўлиб яшаймиш", деган ёлгон ҳужжатлар тайёрлашга яраштирув комиссияси ва хотин-қизлар ишлари бўйича мутахассислар ноқонуний йўллар билан ёрдам берган. "Аёли ярашиш таклифини рад этди", "Ярашишни хоҳламагани сабабли оилани яраштириш имкони бўлмади" қабилида сохта далолатномалар, ёлгон хулосалар тўплаган мутасадди ташкилотлар вакиллари бундай виждонсизликка нима мажбур қилди экан? Энг ачинарлиси, суд ҳам ишни бир томонлама кўриб чиқиб, оиласи бузилаётган аёлининг иштирокисиз вояга етмаган икки фарзанди борлигини инобатга олмай никоҳни бекор қилиш қарорини чиқарганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу тақдир синовининг энг аламли нуктаси эса — аёл ажралиш қароридан ҳам, турмуш ўртоғининг бошқа аёлга тўй қилиб хуфиёна қонуний никоҳдан ўтиб ўйланишдан ҳам беҳабар бўлган. Кўп ўтмай хуфиёна куёвнинг миси чиқиб, ҳаммасидан хабар топган аёл ақлини шоширадиган виждонсизликнинг жавобини сўраганида, "онаминг гапини икки қилолмадим, барибир у хотин билан яшайман", деган кимсага қандай ишончи мумкин? Ҳа оиласини барбод қилиб, ўз фарзандларини тирек етим қилган бундай ота деган "зот" яна бир инсоннинг ишончи, орзу-умидларини поймол қилишга қандай бефарқ қараб туриши мумкин? Маҳалла, яраштирув комиссиясидаги мутасаддилар бу виждонсизлиги учун, албатта, жавоб беради, деган умиддамиз.

Шу ўринда судлар тажрибасидаги

баъзи ўйинлар кишини ўйлашга, судларни бундай қарорлар қабул қилишга нима мажбур қилди экан, деган саволларни қайта-қайта беришга мажбур қилади. Чунки фуқаролик ишлари бўйича судга қилинган айрим муурожаатлар жавобгар томоннинг келмагани туфайли даъво рад этилган ҳолатларга ҳам кўпчилигимиз гувоҳимиз. Шундай ишлардан бирининг тафсилоти ҳам кишини ўйлантиради. Масалан, оиласи бузилиб, бошпанасиз қолган келинчакнинг амалдор собиқ қайнонадан озгина бошпана сўраб қилган даъвосини суд қайнона келмаганлиги учун кўрмасдан қолдириши адолатданми? Суд ёрдамчи муҳтож бошпанасиз ёш болали бахтсиз аёлга ёрдам бериш ўрнига, (ишни қайнона хоҳлагани учун, албатта, бунга ишончимиз комил) кўрмай қолдиради-ю, нега энди бутун бир оилани бузиш учун иккинчи тарафни беҳабар қолдириб, сохта далолатномаларга ишониб, унинг иштирокисиз хуфиёна ажрим чиқариб беришни лозим топади?

"Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қачон ўз кучини кўрсатади, қачон ҳаётга татбиқ этилади? Чунки мазкур Қонун билан зўрлик ишлатишга ўрганилган ва бунга одатий ҳолат сифатида қараган шахслар қонун олдида жавоб беришлари жорий этилди. Илгаригидек, қайнона-келин муносабатларидаги можаролар, оилада ҳўкмончилигини намоён қиламан, деб аёлга азоб берадиган зўравон эр ёки зулмкор оила вакилларига жавобгарлик муқаррарлиги белгиланди. Қонунда жабрланувчига қуйидаги ҳуқуқлар берилган. Жумладан, ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилгани ёки оилани содир этиш таҳдиди тўғрисида ариза билан тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларга ёхуд судга муурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек, бепул "Ишонч телефони" орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан муурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда уларни бу ҳақида хабардор қилиш;

содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни қоплаш талаби билан судга муурожаат этиш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, маҳалла идоралари оstonаси тиллодан уларни бузаётган қайноналарнинг қилмишларидан хабардорми? Қайнона-келин можаролари бор оилаларни аниқ билишадими ва тизимли иш олиб борилаётими? Бугун икки ўртада сарсон қолган болаларга миллатнинг, давлатнинг эртаси, деб қарашимиз шарт, деган сўзлар фақат қозғамми?

Мутасадди идоралар оилавий ажримлардан азият чекаётган болаларнинг тақдирини ҳақидаги маълумотларга эгами? Бир кун келиб бу иллатлар исёнга, бу бахтсиз ҳолатлар фожиасига айланса, армонлардан қочолмай, ноҳақликларни енголмай вояга етаётган болалар жиноят кўчасига кирса, жамиятнинг қайсиидир томирдан чиркин қон оқса додимизни кимга айтаемиз, деган саволларга жавоб борми?

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

●●● БИЛАСИЗМИ?

СУРАТДАН
РУХСАТСИЗ
ФОЙДАЛАНИШ
МУМКИНИ?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Фуқаролик кодексининг 99-моддасига асосан шахснинг тасвирига бўлган ҳуқуқи ажралмас ва дахлсиздир. Тасвирга бўлган ҳуқуқи бузилган, деб ҳисобланган шахс Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган тартибда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Бироқ миллий қонунчиликда фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқи дахлсизлиги чегаралари аниқ белгиланмаган.

Хусусан, фуқарони оммавий тадбирларда иштирок этиш пайтида ёки жамоат жойларида тасвирга тушириш ҳамда ушбу тасвирдан фойдаланиш учун ушбу фуқаронинг розилиги талаб қилиниши ёки талаб қилинмаслиги масаласи қонунчиликда назарда тутилмаган.

Бу эса, ўз навбатида, ахборот тарқатишнинг осон ва тезкор усуллари мавжуд бўлган ҳозирги даврда, жамиятда, шу жумладан, интернет тармоғида, фуқаролар ўртасида айрим низо ва тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан ушбу масала буйича хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, аксарият давлатларда (Аргентина, Австрия, Бельгия, Дания, Хитой, АҚШ, Исроил, Италия, Россия, Швеция ва бошқа) шахсни фото ёки видео тасвирга тушириш учун ушбу шахснинг розилиги талаб этилмаслиги маълум бўлди.

Бироқ Бразилия, Испания ва Швейцарияда шахсни тасвирга тушириш учун, албатта, ушбу шахснинг розилиги олинishi шарт. Хусусан, Швейцарияда шахснинг ташқи кўринишини ҳар қандай ҳолатда ва жойларда расмга олиш унинг ҳуқуқлари бузилиши ҳисобланади.

Шунингдек, айрим ҳолатларда шахснинг фото ёки видео тасвирларини тарқатиш учун унинг розилиги талаб этилмайди. Масалан, оммавий тадбирларда (концерт, байрам сайиллари ва бошқа) ва жамоат жойларида (таълим муассасалари, ҳайвонот боғи, сайлгоҳлар ва бошқа) олинган тасвирлар (Дания, Франция, Россия); шахснинг тасвири туширилган наشرлар фақат илмий, педагогик ёки маданий мақсадлар учун фойдаланилади (Чехия); фотосурат бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки амалга ошириш, шунингдек, давлат ва жамоат манфаатлари учун фойдаланганда (Бразилия, Канада).

Ўрганиш натижаларига асосан, мазкур масаланинг бугунги кунда долзарблиги инobatта олинган ҳолда вазирлик томонидан миллий қонунчиликда шахснинг тасвирга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш механизмларини аниқ белгиловчи нормани киритиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар, агар Сизда ушбу масала буйича тақлифларнинг бўлса, Адлия вазирлигига (1008 — қисқа рақами ёки @insonhuquqlaribot телеграм боти орқали) йўллашингиз мумкин.

БОЛАМ ЎЗБЕКИСТОН
ФУҚАРОСИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

— **БОЛАМНИНГ ОТАСИ хориж фуқароси. Фарзандим Ўзбекистон фуқароси бўла оладими?**

Гулсара МАНСУРОВА,
Навбахор тумани

— Ота-онаниннг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистондан ташқарида туғилган болаларнинг фуқаролиги ота-онаниннг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Бола туғилган пайтда ота-онаниннг бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаъ-

лум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон фуқаросига айланса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолаверса ҳам, Ўзбекистон фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Мабодо, ота-онасидан бирининг фуқаролиги бўлмаса ҳам, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади. Ёки худди шундай ҳолатда Ўзбекистондан ташқарида яшовчи бола ҳам ота ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон фуқаролигини олиши мумкин.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими
Фирдавс ШАМСИЕВ жавоб берди.



ҚОНУНДА ЧАЛКАШЛИК БОРМИ?

— **БОЛАНИ бир ёшдан боғчага бериш мумкинлигини эшитдим. Фарзандим яқинимиздаги боғчага олиб борсам бундай тартиб бизга тегишли эмас, дейишди.**

З.БОТИРОВА,
Фарғона вилояти

— Мазкур саволга Адлия вазирлигининг "Huquqiy axborot" телеграм каналида ҳуқуқи тушунтириш берилган. Унда келтирилишича: "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонунда айни масала ҳам кўтарилган.

1. Қонуннинг 34-моддасида мактабгача таълим ташкилотлари гуруҳларини тўлдирishi ҳақида сўз боради. Унда боғ-

ча гуруҳларининг ёшга доир тоифалари келтирилган ва "илк ривожланиш гуруҳи (бир ёшдан уч ёшгача)" деган тоифа қайд этилган.

Ушбу жумла фуқароларни чалғитиб, "болаларни ҳамма боғчаларга бир ёшдан бошлаб бериш мумкин экан" деган нотўғри талқинларни юзага келтирмоқда.

Бироқ Қонуннинг 33-моддасида "Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади", дейилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан тасдиқланган низомнинг 35-бандида эса

шундай дейилади: "Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади".

Демак, давлат боғчаларига болаларни қабул қилиш ёши қуйи чегараси 3 ёшлигича қолмоқда.

2. Хусусий боғчаларга болаларни қабул қилиш ва улардан чиқариш эса Вазирлар Маҳкамасининг қарори эмас, нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг устави билан тартибга солинади. Бунда нодавлат мактабгача таълим муассасаси уставида назарда тутилган бўлса ва давлат томонидан қўйилган маълум талабларга жавоб берса, болаларни ҳатто 1 ёшга тўлмаган бўлса ҳам хусусий боғчалар қабул қилиши мумкин.

ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАР ҲАМ БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИМИ?

— **ХУСУСИЙ тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлардан кимлар, фойдаланиши мумкин?**

Мафтуна АВЕЗОВА,
Навоий шаҳри

— Президент Қарорига мувофиқ хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

Шунингдек, бўшаган маблағлар, шу

жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилиши лозим.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлардан (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) фойдаланиш учун шахсни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансубликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги (масалан, I гуруҳ ногиронлиги тўғрисидаги маълумотнома) асос бўлади.

Бепул тиббий хизматларнинг турлари ва ҳажми хусусий тиббиёт муассасалари то-

монидан мустақил равишда белгиланади.

Бунда бепул тиббий хизматлар ҳажми ва сарфланадиган маблағлар миқдори солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим (масалан, имтиёз натижасида 100 миллион сўм маблағ қолса, шунинг 25 миллион сўми бепул хизмат кўрсатиш учун сарфланади).

Саволга Навоий шаҳар адлия бўлими бошлиги Азамат ХОЛМУМИНОВ жавоб берди.

ИМТИЁЗ БОРМИ?

— **Келиним тиббиёт муассасасида рентген диагностикаси асбоблари билан ишлайди. Бу унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатишини билман. Бундай шароитда ишлаётганлар учун қандай имтиёзлар бор?**

Райҳон ОДИЛОВА,
Навоий шаҳри

— Албатта, бундай тиббиёт асбоблари билан ишлаётган ходимлар учун имтиёзлар бор. Масалан, рентген диагностикасида, флюорографияда, визуал назоратли ротацион рентген терапияси қурилмасида бевосита банд бўлган ходимларнинг кунлик иш вақти 5 соатдан ортқ бўлиши мумкин эмас.

Саволга ҳуқуқшунос Раҳматулла ИБРОХИМОВ жавоб берди.

14 ЁШГАЧА БОЛАСИ
БОРЛАР ЎҚИСИН!

— **ИШЛАБ чиқариш корхонасида ишламан. Болам тез-тез шамоллаб, касал бўладиган бўлиб қолди. Ишончимизда иш тигиз. Раҳбаримдан жавоб сўрашга ботинолмаяман. Нима қилсам бўлади?**

Ш.АБДУРАЗЗОҚОВА,
Гулистон шаҳри

— Ўн тўрт ёшга етмаган бемор болани парварिशлаш учун унинг онасига, она бўлмаган ёки бегоб бўлганда бошқа оила аъзоларига ўн тўрт календарь кундан ошмаган муддатта меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

Саволга Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Азизбек МАВЛОНОВ жавоб берди.

ЙЎЛОВЧИ ҚАНЧА
ЮК ОЛИБ ЧИҚИШИ
МУМКИН?

— **ЙЎЛОВЧИЛАР темир йўл транспортда қанча қўл юки олиб юриши мумкин?**

Собир ШОКИРОВ,
Бухоро шаҳри

— Темир йўл транспортдаги ҳар бир йўловчи ўзи билан бирга 36 кг.дан ошмаган қўл юки олиб юриш ҳуқуқига эга. Икки ўринли купе вагонларида 50 кг. қўл юки олиб юрилишига рухсат этилади.

Саволга ҳуқуқшунос Садриддин ЖУРАЕВ жавоб берди.



TRIPS битими нима?

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — бу динамик ривожланаётган институт, унга патент ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳамда тижорат сирлари институти қиради. Ушбу муассасаларнинг ҳар бири ўзига хос функционал хусусиятларга эга, ammo улар биргаликда битта муаммо — интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни ҳал қилишади.



TRIPS шартномаси Интеллектуал мулк соҳасидаги энг универсал халқаро шартномадир ва у интеллектуал мулкнинг асосий объектларини қамраб олади, биринчи навбатда, интеллектуал мулк объекти савдо жиҳатларини тартибга солишга қаратилган ва Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо барча давлатлар учун мажбурийдир. Хусусан, TRIPS келишувининг 27-моддаси 2 ва 3-бандлари қоидаларига мувофиқ ҳар қандай ихтирога агар уни янгилик сифатида қабул қилиш ва саноатда қўллаш мумкин бўлса, технологиянинг барча соҳаларида қўллаш учун патент берилиши белгиланган. Шунингдек, 65-модданинг 4-банди, 70-модданинг 8-банди ва 27-модданинг 3-бандига биноан патентга асосланган ҳуқуқлар ихтиро яратилган жойдан, технологиялар соҳасидан ёки маҳсулотлар импорт қилинишини ёки маҳаллий ишлаб чиқарилишидан қатъи назар патентлар берилиши айтилган.

Келишув аъзолари ўзларининг ҳудудларида жамоат тартиби ёки ахлоқини ҳимоя қилиш, шу жумладан одамлар, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф-муҳитга жиддий зарар етказмаслик сабабидан келиб чиқиб, тижорат мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайдиган ихтироларни патент берилмаган ихтиролар рўйхатидан чиқариши мумкин.

TRIPS битимининг мақсади халқаро савдонинг ривожлантиришга қўмаклашиш ва бунинг учун мустақам ҳуқуқий базани яратишдир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари бўйича битим (TRIPS):

1. TRIPS битимининг асосий қоидалари халқаро савдо учун энг муҳим Интеллектуал мулк объектларига тегишли.
2. TRIPS қоидалари Битим Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо мамлакатлардан энг мақбул давлат принципини таъминлашни талаб қилади. Бу Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо давлатлар, шу жумладан, Россия, бошқа иштирок этувчи мамлакатлар фуқароларига ўзларининг давлат фуқаролари ("миллий режим") эга бўлган интеллектуал мулкка нисбатан кам бўлмаган ҳуқуқларни тақдим этишлари кераклигини аниқлатади.
3. Интеллектуал мулк соҳасидаги кўпгина халқаро шартномалардан фарқли ўлароқ, TRIPS Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо давлатлар бажариши керак бўлган ҳар бир интеллектуал мулк объекти учун

минимал ҳимоя стандартларини ўрнатади. Ушбу стандартлар доирасида: ҳимоя предмети, берилган ҳуқуқлар, шунингдек, бундай ҳуқуқларнинг рухсат этилган чекловлари қиради. Ушбу талаблар муносабати билан кўплаб мамлакатлар ўз қонунчилигига тузатишлар киритишга мажбур бўлишди. Масалан, Россияда Интеллектуал мулк соҳасида (Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг Интеллектуал мулк қисми) янги қонунлар қабул қилинди, унинг қоидалари Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро талабларга деярли мос келади.

4. TRIPSнинг асосий қоидаларидан бири мажбурий лицензияни жорий этишдир. TRIPS шартномаси патент эгасининг энг кам ҳуқуқларини белгилайди. Бироқ баъзи истиснолар ҳам мавжуд. Патент эгаси унга берилган ҳуқуқларни суистеъмол қила олмайди, масалан, ўзи ихтиро қилган маҳсулотни бозорга тақдим этишни рад этади. Шартномада ҳуқуқат бундай вазиятларни ҳал қилиш учун рақобатчиларга маҳсулот ишлаб чиқариш ёки бундай лицензияларда кўзда тутилган жараёнлардан фойдаланишга рухсат бериш учун "мажбурий лицензиялар" бериш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги кўзда тутилган. Ушбу талаб асосан ривожланаётган мамлакатлар, айниқса фармацевтика бозорига қўллаб-қувватланади. Мажбурий лицензиялаш фақат мамлакат ички бозори манфаатларини кўзлаб амалга ошириши керак. Мажбурий лицензия берилган патентнинг эгаси ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз патентидан фойдаланишнинг иқтисодий фойдасига мувофиқ компенсация олиши керак.

5. Битимнинг муҳим талаби лицензияланган битимларда рақобатга қарши амалиёт устидан назоратни амалга оширишдир. TRIPS битимининг махсус бўлими турли мамлакатлардаги компаниялар ўртасида технологияни узатиш бўйича лицензиялаш шартномаларида эркин рақобатга ҳалақит берадиган қоидаларни ўз ичига олган амалиётни йўқ қилишга бағишланган. Ушбу қоидалар, одатда, ушбу технологиядан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни мамлакатдан олиб чиқишни ёки шунга ўхшаш маҳсулотларни мамлакатга олиб киришни тақиқловчи шаклда бўлади.

6. Параллел импорт тўғрисида Битим Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо давлатларга танлов эркинлигини беради. Ўз

мамлакатларига параллел равишда олиб киришни таъқиқлаш ёки таъқиқлаш масаласини давлатлар ўзлари ҳал қиладилар.

7. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга бўлган талаб, бир томондан, Интеллектуал мулк бозорининг шаклланиши ва ривожланиши учун энг муҳим, иккинчи томондан, эса уни амалга ошириш жуда ҳам қийин. Бу талаб жорий этилган интеллектуал "қароқчилик" муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулкка бўлган талаб

Халқаро шартномалар тарихида биринчи марта TRIPS интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этишга эътибор қаратади ва муаллифлик ҳуқуқи эгалари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилишлари мумкин бўлган асосий ҳуқуқий воситаларни белгилайди. TRIPS битими, шунингдек, барча мамлакатлар ҳуқуқларини "қароқчиликка" (ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш) қарши самарали чоралар кўришни мажбур қилади. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг умумий тартиблари, далиллар, буйруқлар, зарар, вақтинча ва чегара чоралари белгиланган. Биринчи марта, низоларни ҳал қилиш тизимини ўрнатади, агар бошқа томон ўз мажбуриятларини бузса, мамлакатлар ҳимоя ҳуқуқини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари тўғрисидаги битимнинг иқтисодий фойдалари ва харажатлари

TRIPS битимини имзолашнинг иқтисодий оқибатлари тўғрисида экспертларнинг фикрлари кескин фарқ қилади. Агар биз иқтисодий ривожланган давлатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Жаҳон Савдо Ташкилотига қатнашиш уларга тўғридан-тўғри фойда келтиради. АҚШ компаниялари дунёдаги энг катта Интеллектуал мулк етказиб берувчилардир, асосан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар: дастурий таъминот, фильмлар, мусиқа, компьютер ўйинлари ва бошқалар.

Албатта, АҚШ ва бошқа йирик Интеллектуал мулк провайдерлар ривожланаётган мамлакатлар бозорларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдор. АҚШнинг қаттиқ босими остида (Берн конвенциясига биноан) муаллифлик ҳуқуқини ҳуқуқий ҳимоя қилиш муддати 50 йилдан

70 йилгача (муаллиф вафотидан кейин) узайтирилди.

Бошқа томондан, ўзларини асосан интеллектуал мулк истеъмолчилари, деб ҳисоблайдиган кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, бундай чораларнинг қабул қилиниши камбағал мамлакатлар учун янги маҳсулотлар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини чеклайди ва шу билан уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Патентлар, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришнинг ноқулайлиги шундаки, ҳуқуқ эгалари бозор кучига эга бўладилар ва бу ҳимоя муддати давомида ишлаб чиқаришнинг юқори қийматидан юқори нархларни кўтарилишига олиб келади.

Бундан ташқари, TRIPS талабларининг бажарилиши институционал ва молиявий муаммоларга эга бўлган ривожланаётган давлатларни ҳам назарда тутди. Шундай қилиб, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Мексика интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунлари ўзгартириш учун 30 миллион АҚШ доллари сарфлаган. Кўплаб камбағал давлатлар учун бундай харажатлар бюджет юқининг сезиларли даражада ўсишига ва ривожланишнинг бошқа устувор йўналишларини молиялаштиришнинг камайишига олиб келади.

Шу билан бирга, Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини кучайтириш ривожланаётган мамлакатларда ижодий саноатни ривожлантиришга, савдо ҳажминини оширишга, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилишига ва технологиялар трансферини рағбатлантиришга, яъни умуман олганда иқтисодийёт ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ бу кам даромадли мамлакатларга қараганда ўртача даромадли мамлакатларга нисбатан кўпроқ қўлланади.

Бошқа давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, инвестиция муҳити яхшилانган тақдирда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг кучли ҳимояси маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Моҳинур БАҲРАМОВЕТИ

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси



24 январь — Халқаро таълим куни

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 2018 йил 24 январни Халқаро таълим куни, деб эълон қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди.

Ушбу резолюцияда таълим жамиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши ва барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишга хизмат қилиши эътироф этилган. БМТнинг Бош Ассамблеяси барча давлатларни Барқарор ривожланиш соҳасидаги 4-мақсадни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга эътиборини кучайтиришни тавсия қилди.

БМТ Бош Ассамблеяси Халқаро таълим кунини байрам қилиш бўйича барча тadbирларни ташкил этишни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан

ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган муассасаси — ЮНЕСКОга топширди.

ЮНЕСКО 2020 йилдаги Халқаро таълим кунини "Одамлар, жаҳон, фаровонлик ва тинчлик учун ўқитиш" шиори остида ўтказишни белгилаб берди. Бу таълимнинг инсонпарварлик мақсадлари ва унинг жамиятини ривожлантиришдаги ҳал қилувчи ролинини ифода этади. ЮНЕСКО шунингдек, Халқаро таълим кунини кенг қўламда, устувор вазифаларни белгилаб олган ҳолда байрам қилишни тавсия этади.

Маълумки, таълим олиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида мустақамлаб кўйилган. Ушбу моддада барча давлатлар бепул бошланғич таълимни таъминлашга даъват этилади. 1989 йилда қабул қилинган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда давлатларнинг ҳамма учун олий таълим олиш имкониятини таъминлаш мажбурияти тўғрисидаги қоида мавжуддир.

Жаҳон ҳамжамияти 2015 йилнинг сентябрь ойида 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кун тартибини қабул қилиб, таълим Барқарор ривожланиш соҳасидаги барча 17 мақсадга эришишни ҳал қилувчи омили эканлигини эътироф этди. Барқарор ривожланиш соҳасидаги 4-моддада эса сифатли ва адолатли таълим билан ҳамма кини қамраб олишни таъминлаш ҳамда барча учун бутун умр давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш кўзда тутилган.

Таълим қашшоқликдан қутулиш ва келгусида фаровонликка эришиш имкониятини

тақдим этади. Бироқ ҳозирги пайтда жаҳонда 262 миллион нафар бола ва ўсмир мактабга бормайди. 617 миллион нафар бола ва ўсмир эса ўқишни ва математиканинг энг оддий қоидаларини билмайди. Шунингдек, Африка мамлакатларидаги қиз болаларнинг фақат 40 фоизидан камроғи бошланғич таълим олади. Қочқ ҳисобланган 4 миллион нафар бола ва ўсмир ҳам мактабга бормайди. Бундай ҳолат уларнинг таълим олиш ҳуқуқини бузади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Жаҳондаги давлатлар инклюзив, адолатли ва сифатли таълим олишни таъминлашдан ҳамда фуқаролари учун бутун умр давомида таълим олиш имкониятларини тақдим этмасдан гендер тенглигига эриша олмайди. Шу билан бирга таълим соҳасини ривожлантиришдан миллионлаб ёшларни қашшоқликдан халос этиб бўлмайди.

Сифатли ва узлуқсиз таълимни ривожлантириш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилган таълим соҳасидаги ислохотлар фақат унинг тизими мазмунини ўзгартирибгина

қолмасдан, таркибини ҳам тақомиллаштириш. Кейинги йилларда таълимнинг барча даражаларида туб ўзгаришлар бўлди. Бунинг учун таълим соҳасига катта кўмдорда инвестициялар киритилмоқда. Бу интеллектуал ривожланган ва юқори даражада инсон капиталига эга бўлган шахсларни тарбиялашга хизмат қилади.

Бу йил Халқаро таълим кунини байрам қилиш таълим инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлигини, мамлакатни тараққий эттириш, ижтимоий фаровонлигини таъминлашнинг гарови эканлигини ёрқин намойиш қилишга хизмат қилиши керак. Бу Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишнинг воситаси ҳамдир.

Фарҳод ҲАЙИТБОВЕ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва маърифат бўлими бошлиғи

“ХАЛҚ БАНКИ”:

Мижоз манфаатларига мос сифатли хизмат

МАМЛАКАТИМИЗДА банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори молия муассасалари фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу ҳужжат туфайли банклар эшиги аҳоли ва миқозлар учун, том маънода, кенгроқ очилди. Одамлар банкларга иккиланмасдан кела бошлади, уларга нисбатан ҳақиқий хизмат кўрсатиш объекти сифатида қараш шаклланди. Табиийки, бунда тижорат банкларининг янада фаоллашгани, миқоз манфаатига мос сифатли хизмат кўрсатилаётгани қўл келди.

Дарҳақиқат, бугун банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодий ёрдамда барқарор ўсиш суръатлари таъминлашида муҳим омили бўлмоқда. Айниқса, молия муассасалари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш борасидаги дастурлар учун йўналтирилган сармоялар амалда ўз самарасини кўрсатаётгани диққатга сазовор. Юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олган ва энг катта инфратузилмага эга “Халқ банки”нинг бугунги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, у халқ орасига том маънода кириб бораётган, аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётган етакчи молия муассасаларидан бирига айланган бўлган айни ҳақиқат.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР

“Халқ банки” ўз фаолиятида капиталлашуви янада кучайтириш, инвестицийвий фаолиятини юксалтириш, иқтисодий ёрдам эҳтиёжларини тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2019 йилда банк томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳамда уларни иқтисодийнинг реал секторига йўналтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хукумат кафолатисиз банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 миллион АҚШ доллари ҳамда 197 миллион евролик кредит линиялари жалб қилинган шундай сўй-ҳаракатларнинг амалии самараси, дейиш мумкин. Жумладан, АҚШнинг “Cargill Inc” компаниясидан 55 миллион евро, Германиянинг “Berliner Sparkasse” банкидан 30 миллион евро ва “ODDO BHF” молия муассасасидан 50 миллион евро, Россиянинг “Азия Инвест-банк”дан 4 миллион АҚШ доллари ҳамда “Транскапиталбанк”дан 5 миллион евро, Хитой “Эксимбанк”дан 5 миллион АҚШ доллари, Австриянинг “Raiffeisen Bank International”дан 10 миллион евро, шунингдек, Польшанинг “Bank Gospodarstwa Krajowego” банкидан 20 миллион евролик кредитлар жалб қилиниб, миллий иқтисодий ривожини учун йўналтирилмоқда.

Хусусан, мазкур ресурс маблағлари ҳисобидан мевса-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг 177 та лойиҳасига 76,9 миллион АҚШ доллари раъна зид кредит ажратилди. Жумладан, замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш учун 97 та лойиҳага 58 миллион АҚШ доллари, мевса-сабзавотларни сақлаш учун совитчилик сизимлар ташкил қилиш мақсадида 52 та лойиҳага 13,6 миллион АҚШ доллари, интенсион боғ

барпо этиш учун 5 та лойиҳага 2,2 миллион АҚШ доллари, мевса-сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоклаш учун 13 та лойиҳага 2,6 миллион АҚШ доллари ва бошқа йўналишлар учун 10 та лойиҳага 450 минг АҚШ доллари раъна зид кредит ажратилди. Бу эса кишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлар имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан якунига етган йилда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 та лойиҳага 99,2 миллион АҚШ доллари раъна зид кредит ажратилди. Шунинг 80 миллион АҚШ доллари қорамол сотиб олишга қаратилган 567 та лойиҳага берилган бўлса, 2,4 миллион АҚШ доллари 18 та лойиҳага қўй-эчки сотиб олиш учун тақдим этилди. Мазкур йўналишда техника харид қилишга 84 та лойиҳага 7,5 миллион АҚШ доллари ҳамда асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олиш учун 42 та лойиҳага 9,3 миллион АҚШ доллари раъна зид кредит маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 миллион АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 миллион АҚШ доллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 та лойиҳага 5,9 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағи йўналтирилди.

Бугун мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, “Халқ банки” айнан мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаётганининг боиси ҳам шунда.

“Халқ банки” ва бошқа тижорат банклари томонидан 2019 йилда республикаимиз бўйича чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион 340 миллиард сўмлик 865 та лойиҳани молиялаштириш ҳисобига четдан жами 365 034 бош чорва моли олиб келинди. Натижада 5 600 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ажратилган 94,1 миллиард сўмлик кредит ҳисобига четдан яна 17 512 бош қорамол олиб келиниши режалаштирилмоқда. Бу борада айни пайтда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмалари билан фаол ҳамкорлик олиб борилаяпти.

Эътироф этиш кераки, ҳозирги кунда бу йўналишда тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва мазкур соҳага қизиқиш билдираётган ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бораётган. Мисол учун, Бахмал туманидаги “Бахмал милк” фермер хўжалигида ҳозир йигирмага яқин киши меҳнат қилмоқда. Фермер хўжалигига “Халқ банки”нинг Бахмал филиали томонидан Халқро тараққиёт уюшмаси кредит линияси орқали 245 минг АҚШ доллари миқдоридан имтиёзли кредит берил-

ган эди. Мулкдор ушбу сармояга Германиядан 141 бош насли қорамол олиб келди.

— Мазкур кредит туфайли ишимизни йўлга қўйиб олдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Халилов. — Шу билан бирга, чорва комплексини янада кенгайтириш борасида олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Аввало, яна 400 бош қорамол олиб келишни режалаштиряпмиз. Албатта, бунда ҳам “Халқ банки” кўмагига таянамиз. Эндилиқда сутни қайта ишлашни ҳам ўзимизда ташкил қилишни мўлжаллаяпмиз. Агар бу мақсадларимизни рўёбга чиқарса, яна 60 киши бандлиги таъминланади.

Германия ва Австриядан келтирилган насли қорамолларни ўзимизда кўпайтириш ниятидамыз. Бу лойиҳамиз ҳам рўёбга чиқишига ишончим комил. Чунки бизни “Халқ банки” доим молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу молия муассасаси ёрдами туфайли европаллик ҳамкорларимиз билан шартнома шартлари юзасидан музокаралар олиб борапмиз. Энг муҳими, “Халқ банки” кўмаги билан ҳақиқий тадбиркор бўлдим!

“Халқ банки” Термиз шаҳар филиали мижози “Сурхон чорва насл” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Яъни, филиал томонидан жамиятга хорижий кредит линияси ҳисобидан ажратилган 2 миллион АҚШ доллари эвазига Австриядан 219 бош насли қорамол келтирилди. Бундан ташқари, жорий йилда ушбу давлатдан яна 184 бош қорамол ҳамда Туркиядан сутни қайта ишлаш ускуналари келтирилади. Қорхона томонидан йилга қиймати 20 миллиард сўмлик 4 минг тоннага яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жами яратилаётган иш ўрни эса 35 тани ташкил этади.

Тошкент вилоятининг Пскент туманидаги “Зиёда” фермер хўжалигининг чорвачилик фермасида 40 та янги иш ўрни яратилган.

— Лойиҳамизни рўёбга чиқаришда “Халқ банки” томонидан ажратилган 2 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит айти мўддао бўлди, — дейди ферма раҳбари Иброҳим Абдурахмонов. — Фермаимизда кунга ўртача 10 тонна сут собиб олинади. Келажакда ушбу сут маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам режалаштирмоқдамиз.

ОДАМЛАР ДАРОМАДИ КЎП БЎЛСА, ЎРТЎБЎЙ БЎЛАДИ

Бугун юртимизда оилаларда тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали одамларимиз даромадини кўпайтиришга устувор мақсад сифатида қаралмоқда. Зеро, ушбу йўналишда АТ “Халқ банки” томонидан 2019 йилда айнан оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга устуворлик берилди. Жумладан, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича 101 176 та оилага 1 798

330 миллион сўмлик кредит ажратилгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 5 419 та лойиҳага 96 577 миллион сўм маблағ берилди. Бу билан ҳам 5 304 нафар одамнинг иш билан таъминланди.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 4 246 та лойиҳага 81 242 миллион сўм маблағ ажратилиб, натижада 4 246 иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, “Ёшлар — келажакимиз” жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида банкимиз томонидан 2018 — 2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан, ўтган йили 3267 нафар ёш тадбиркорга 542 миллиард 228 миллион сўмлик кредит тақдим этилди. Натижада 9917 та янги иш ўрни яратилди. 3 700 дан ортиқ ёш тадбиркорларга берилган сармоялар миқдори эса 732,8 миллиард сўмни ташкил этди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ШИЖОАТИ

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Халқ банки ушбу Фармон ижроси доирасида хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг бизнесига кўмаклашишга катта аҳамият қаратмоқда. 2019 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилиб, 36 мингдан зиёд иш ўрни яратилган, бунинг натижада бюджетга 1,2 миллиард сўмлик солиқ тушумлари тушгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, асосан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга 7,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз.

“Халқ банки” матбуот хизмати

РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА

- 2019 йилда “Халқ банки”нинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Натижада 36 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.
- Поёнига етган йилда банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий-молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 та лойиҳага 99,2 миллион АҚШ доллари раъна зид кредит маблағи йўналтирилди.
- “Ёшлар — келажакимиз” жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида 2018 — 2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан, ўтган йили 3267 нафар ёш тадбиркорга 542 миллиард 228 миллион сўмлик кредит тақдим этилди.
- “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича 101 176 та оилага 1 798 330 миллион сўмлик кредит ажратилди.
- Банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 миллион АҚШ доллари ҳамда 197 миллион евролик кредит линиялари жалб қилинди.
- Банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 миллион АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 миллион АҚШ доллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 та лойиҳага 5,9 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағи йўналтирилди.